

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ БОХОДИР СУВОНҚУЛ ЎҒЛИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора философии
(Doctor of Philosophy) по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy
(Doctor of Philosophy) on economical sciences**

Усмонов Боходир Сувонкул ўғли

Тижорат банклари узок муддатли кредитларининг самарадорлигини
ошириш йўллари..... 3

Усмонов Боходир Сувонкул ўғли

Пути повышения эффективности долгосрочных кредитов коммерческих
банков..... 33

Usmonov Bokhodir Suvonkul ugli

Ways to increase the effectiveness of long-term loans of commercial
banks..... 61

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 65

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

УСМОНОВ БОХОДИР СУВОНҚУЛ ЎҒЛИ

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ УЗОҚ МУДДАТЛИ КРЕДИТЛАРИНИНГ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2021 йил

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt1548 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tfi.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Каралиев Турабой Маматкулович**
иктисодиёт фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар: **Жумаев Нодир Хосиятович**
иктисодиёт фанлари доктори, профессор


Раҳманов Зафаржон Яшинович
иктисод фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ кунини соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: ilmiykengash@tfi.uz

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: admin@tfi.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунини тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).



Т.З.Тешабасев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ф.К.Холмаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт бўйича фалсафа доктори, (PhD), доцент

И.Н.Кўзиёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун дунё бўйлаб банклар томонидан узок муддатга берилаётган кредитларни ривожлантиришга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Глобал пандемия туфайли эпидемиологик вазиятнинг ёмонлашуви 2020 йилда жаҳон иқтисодиётига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатди. Халқаро валюта жамғармасининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, «2020 йилда глобал иқтисодиёт 3,5 фоизга пасайган ҳамда 2021 йилда унинг тикланиши 5,5 фоиз даражасида прогноз қилинмоқда¹». Бундай вазиятда ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш учун узок муддатли кредитлар жуда муҳим манба ҳисобланади. Ривожланаётган давлатларда тижорат банклари томонидан узок муддатли кредитлаш тизимини ривожлантириш билан боғлиқ бир қатор ноқулайликлар мавжудлиги ушбу тизимни ривожлантиришга салбий таъсир ўтказмоқда. Ушбу муаммолар қаторига юқори кредит таваккалчиликлари, корхоналарнинг рентабеллик даражасининг нисбатан пастлиги, зарур молиявий ресурсларнинг йўқлиги, узок муддатли ресурсларнинг етишмаслиги, қарзларни тўлаш учун қўлланиладиган тартибда мослашувчанликнинг йўқлиги билан изоҳлаш мумкин.

Халқаро амалиётда йирик молия муассасаси ҳисобланган Жаҳон банки, шунингдек бошқа халқаро молия институтлари томонидан банкларнинг узок муддатли кредитлар самарадорлигини оширишга қаратилган жуда кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Шу билан бирга, ҳозирги кунга қадар, узок муддатли кредитларнинг қайтарилиши ва самарадорлигини асослайдиган ҳамда узок муддатли кредитлаш соҳасида мақбул қарорларни қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқиш каби муаммолар ҳалигача ўз ечимини топмаганлиги бу борада тижорат банклари томонидан қилиниши лозим бўлган вазифалар кўплигидан далолат беради. Ушбу муаммони ҳал қилишнинг мураккаблиги ва долзарблиги ҳар бир узок муддатли кредит операцияси ўзига хос хусусиятга эга эканлигидан келиб чиқади, шунинг учун қарз олувчининг тўлов қобилияти ва кредит бозорининг ўзгарувчан шароитларини ҳисобга олган ҳолда унинг самарадорлигини асослашга индивидуал ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистон тижорат банклари узок муддатли кредитларининг жами активлардаги улуши «2020 йил 1 январь ҳолатига 71 фоизни, 2021 йил 1 январь ҳолатига эса, 68 фоизни ташкил этган²». Узок муддатли кредитлар улушининг ўтган йилга нисбатан 3 фоизга камайиши банкларнинг берилган қарзларга нисбатан боғлиқлик даражаси камайиб бораётганлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992 сонли Фармонида «кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш,

¹ ХВЖ, «Янгиланган жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг истикболлари». Январь, 2021. (<https://www.imf.org/en/Publications/WEO/Issues/2021/01/26/2021-world-economic-outlook-update>)

² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди (www.cbu.uz).

кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш» каби вазифаси белгилаб берилганлиги банклар томонидан берилаётган узоқ муддатли кредитларнинг самарадорлигини ошириб бориши кераклигидан далолат беради. Шунингдек республикамиз банк амалиётида узоқ муддатли кредитлаш билан боғлиқ қатор назарий масалаларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги, ушбу соҳадаги банк амалиётининг камчиликлари ва муаммолари билан боғлиқ. Назарий муаммолар қаторида, тегишли манбалар базасини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган узоқ муддатли кредитнинг моҳияти бўйича махсус илмий изланишлар йўқлиги, банкнинг узоқ муддатли кредитлари объектларини, шунингдек, уларни танлаш мезонларини аниқлашнинг яхлит бир тизимининг йўқлиги, банкларни узоқ муддатли кредитлаш тизими ва унинг фаолият кўрсатаётган корхоналарга узоқ муддатли кредитлар бериш хусусиятлари билан боғлиқ қўшимча назарий тадқиқотларни олиб боришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари узоқ муддатли кредитларининг самарадорлигини ошириш йўлларининг назарий-амалий жиҳатлари хорижий қатор иқтисодчи олимлар, хусусан, Gheorghe Zamana, George Georgescua, Fouopi Djiogap, Augustin Ngoms, Howard Bodenhor, Hüther Michael, Voigtländer Michael, Haas Heide, Deschermeier Philipp, Maria Soledad Martinez, И.И.Некрасов, А.В.Иванычев С.В.Черкасов, Г.Белоглазова ва Л.Кроливецк, О.И.Лаврушин, А.М.Тавасиев, В.А.Москвин, Н.Д.Эриашвили, В.С.Баландин, Е.С.Дубовик, Л.П.Кроливецкая³ ва бошқалар

³ Gheorghe Zamana, George Georgescua. Challenges of bank lending in Romania on short, medium and longer. Procedia Economics and Finance 22 (2015) 88 – 94. 2212-5671 © 2015 The Authors. Published by Elsevier B.V. This is an open access article under the CC BY-NC-ND license <http://creativecommons.org/licenses/by-nc-nd/4.0/>.

томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда тижорат банкларининг узок муддатли кредит операцияларини самарадорлигини оширишнинг айрим масалалари иқтисодчи олимлар Ш.З.Абдуллаева, А.А.Омонов, Т.М.Каралиев, У.Д.Ортиқов, Д.А.Саидов, Ҳ.Ҳ.Отамуродов, Ф.К.Холмаматов, Ж.К.Мажидов⁴ ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган. Мазкур иқтисодчи олимларнинг илмий ишланмаларида узок муддатли кредитларнинг моҳияти, уларнинг турлари, юзага келиш омиллари ва бошқариш, хусусан, уларни кенгайтиришни такомиллаштириш масалалари қисман тадқиқ этилган бўлиб, мамлакатимизда тижорат банкларининг узок муддатли кредитларининг самарадорлигини ошириш масаласи назарий-амалий жиҳатдан тизимли тарзда яхлитликда тадқиқ этилмаган.

Selection and/or peer-review under responsibility of the Scientific Committee of ESPERA 2014 doi: 10.1016/S2212-5671(15)00230-0 <https://ideas.repec.org/p/pram/prapa/60271.html>, Fouopi Djiogap, Augustin Ngomsi. Determinants of Bank Long-term Lending Behavior in the Central African Economic and Monetary Community (CEMAC). Review of Economics & Finance Submitted on 05/Jan./2012 Article ID: 1923-7529-2012-02-107-08 Constant, Fouopi Djiogap and Augustin Ngomsi. <https://ideas.repec.org/a/bap/journal/120210.html>, Howard Bodenhorn. Relationship Lending in Early America Howard Bodenhorn NBER Historical Paper No. 137 December 2001 JEL No. N2, G2 Development of the American Economy. Hüther, Michael; Voigtländer, Michael; Haas, Heide; Deschermeier, Philipp (2015) : The importance of long-term financing by banks: Advantages and future challenges, IW-Analysen, No. 102, ISBN 978-3-602-45566-9, Institut der deutschen Wirtschaft (IW), Köln, <http://nbn-resolving.de/urn:nbn:de:101:1-201503232995>, Maria Soledad Martinez Peria, Sergio Schmukler. Understanding the Use of Long-term Finance in Developing Economies. © 2017 International Monetary Fund. Authorized for distribution by Giovanni Dell’Ariccia April 2017, Некрасов И.И. «Организация инвестиционного кредитования в коммерческом банке» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, ул. Б.Семеновская 11, стр.12., Иванычев А.В. «Формирование механизма выбора параметров долгосрочного кредита как необходимого фактора повышения эффективности сельскохозяйственного предприятия» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Самара, Московское шоссе, 2007 г. 34 ст, СГЛУ., Черкасов С.В. «Банковский долгосрочный кредит и его развитие в России» диссертации и автореферата кандидат экономических наук 2006 г., Банковское дело: Учебник для вузов. 2-е изд. / Под ред. Г.Белоглазовой, Л.Кроливецкой. – СПб.: Питер, 2010. – 400 с.: ил. – (Серия «Учебник для вузов»), Банковское дело: Учебник. – 2-е изд., перераб. И доп./ Под ред. О.И.Лаврушина. – М.: Финансы и статистика, 2004. – 672 с.; Банковское дело: управление и технологии: Учеб. Пособие для вузов / Под. Ред. Проф. А.М.Тавасиева. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2001. – 863 с., Банковское дело: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности (080105) «Финансы и кредит» / (А.М.Тавасиев, В.А.Москвин, Н.Д.Эриашвили). – 2-е изд., перераб. И доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 287 с., Баландин В.С. «Оценка эффективности инвестиционных проектов в современной экономике (теория и методология)» под ред. профессора В.Р.Атояна. Саратов: Саратов. госуд. технич. ун-т, 2003 г., Дубовик Е.С. «Организация долгосрочного кредитования в коммерческом банке и пути ее совершенствования»/дисс. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. М. 2002. Кроливецкая Л.П. «Банковское дело: кредитная деятельность коммерческих банков»: учебное пособие для вузов/Кроливецкая Л.П., Тихомирова Е.В. М.: Проспект, КноРус, 2009 г.

⁴ Абдуллаева Ш.З. «Банк иши». Иқтисод-молия. 2017 й. -312 б. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 35 б., Қоралиев Т.М «Пул ва банклар» Дарслик. Т.: – «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2019 й. – 461 б, Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. «Молия, пул муомаласи ва кредит» и.ф.н. дисс. автореферати. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – 19.09.2008. –Т., 2008. -20 б., Саидов Д.А. «Тижорат банкларининг қисқа муддатли кредитлаш амалиёти ва уни такомиллаштириш йўллари» Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2008.; Отамуродов Ҳ.Ҳ. «Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш» иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2019.-32 б., Холмаматов Ф.К. «Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш» иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2019.-32 б., Мажидов Ж.К. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлар портфелларининг сифатини ошириш йўллари» иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2020.-28 б.,

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассассаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқот иши Тошкент молия институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодийни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари узоқ муддатли кредитларининг самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

«узоқ муддатли кредит» тушунчасига мавжуд назариялар, илмий ёндашувлар асосида муаллиф таърифини шакллантириш;

банклар томонидан узоқ муддатли кредитлаш амалиётининг хориж тажрибасини ўрганиш;

тижорат банклари томонидан берилаётган узоқ муддатли кредитларнинг ўсиш тенденцияларини таҳлил этиш;

тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлашда таъминот билан боғлиқ муаммоларни таснифлаш;

тижорат банклари даромадларини оширишда узоқ муддатли кредитлар самарадорлигини эконометрик таҳлил қилиш;

узоқ муддатли кредитлаш самарадорлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибаларидан фойдаланиш имкониятларини асослаб бериш;

тижорат банклари кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар самарадорлигини ошириш йўллариини белгилаб олиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган тижорат банкларининг кредитлаш фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитларининг самарадорлигини оширишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гуруҳлаш, қиёслаш, таққослаш, иқтисодий, молиявий ва эконометрик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мижозларга узоқ муддатга бериладиган кредит қўйилмалари учун ўрнатиладиган фоиз тўловларини уларнинг манбаларига қилинган харажатлар асосида дефференциал ставка асосида белгилаш асосланган;

мижозларга берилаётган узоқ муддатли банк кредитларини уларнинг бизнес циклига тенг даврийликни эътиборга олиш таклифи этилган;

мижозларга хорижий валютада берилаётган банк кредитларининг валюта курсларини ошишидан вужудга келадиган рискни мижоз ҳамда банк ўртасида тенг тақсимлаш орқали кредитлар самарадорлигини ошириш имконияти асосланган;

банк томонидан жисмоний шахсларга тақдим этилаётган ипотека кредитларини мижоз фаолият юритаётган корхона ёки ташкилот зиммасига

рискни бир қисмини ўтказиш орқали банк томонидан берилаётган кредитларнинг қайтмаслик хавфини камайтириши таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хорижий молия бозорларидан эҳтиёткорона сиёсат юритиш орқали, арзон ва узоқ муддатли барқарор ресурсларни жалб этиш ҳисобидан берилаётган узоқ муддатли кредитларнинг фоиз тўловларини оладиган ресурслар қиймати билан боғлаш лозимлиги тўғрисидаги таклифи асосланган;

узоқ муддатли кредитлаш, узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш режасидир. Бундан мақсад банк берган кредитдан кўра мижознинг ўтказмаларидан кўпроқ фойда қилиши имконияти мавжудлиги тўғрисидаги таклифи асосланган;

тижорат банклари томонидан ажратилаётган узоқ муддатли кредитлар банкнинг фоизли даромадларига тўғри пропорционалликда таъсир этиши эконометрик таҳлил натижалари ишлаб чиқилган;

узоқ муддатли кредитларнинг самарадорлигини оширишнинг айрим муаммоларни ўрганиш натижасида келгусида узоқ муддатли кредитлашни такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлили шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва тижорат банкларининг расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда илмий асосланганлиги, келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг «Агро банк» акциядорлик тижорат банки томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тижорат банклари узоқ муддатли кредитлаш самарадорлигини оширишга қаратилган махсус тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг тижорат банклари фаолиятида қўлланилиши, шунингдек «Пул ва банклар», «Банк иши», «Банкларда бухгалтерия ҳисоби» каби ўқув фанлари бўйича услубий қўлланма, дарсликларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тижорат банклари узоқ муддатли кредитларининг самарадорлигини ошириш йўллари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мижозларга узоқ муддатга бериладиган кредит қўйилмалари учун ўрнатиладиган фоиз тўловларини уларнинг манбаларига қилинган харажатлар асосида дефференциал ставка асосида белгилаш таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан амалиётга жорий этилган («Агробанк» акциядорлик тижорат банкининг 2021 йил 4 мартдаги 11-1-15/310-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф «Агробанк» акциядорлик

тижорат банкнинг «Бизнес режаси»ни ишлаб чиқишда инобатга олинб 2019-2020 йилларда мижозларга берилган узоқ муддатли кредитлардан олинадиган даромадни 161,1 млрд сўмга ортиши ва берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига олиб келган;

мижозларга берилаётган узоқ муддатли банк кредитларини уларнинг бизнес циклига тенг даврийликни эътиборга олиш таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорат банкнинг «Кредит сиёсати»ни ишлаб чиқишда инобатга олинган. («Агробанк» акциядорлик тижорт банкининг 2021 йил 4 мартдаги 11-1-15/310-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф «Агробанк» акциядорлик тижорат банк томонидан қўлланилиши натижасида 2019-2020 йилларда банкнинг мижозлар сони ортиб берилган узоқ муддатли кредитлар 818,2 млрд сўмга ошишига олиб келган;

мижозларга хорижий валютада берилаётган банк кредитларининг валюта курсларини ошишидан вужудга келадиган рискни мижоз ҳамда банк ўртасида тенг тақсимлаш орқали кредитлар самарадорлигини ошириш имконияти тўғрисидаги таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорт банки томонидан амалиётга жорий этилган («Агробанк» акциядорлик тижорт банкининг 2021 йил 4 мартдаги 11-1-15/310-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф «Агробанк» акциядорлик тижорат банкнинг «Кредит сиёсати»ни ишлаб чиқишда инобатга олинган;

банк томонидан жисмоний шахсларга тақдим этилаётган ипотека кредитларини мижоз фаолият юритаётган корхона ёки ташкилот зиммасига рискни бир қисмини ўтказиш орқали банк томонидан берилаётган кредитларнинг қайтмаслик хавфини камайтириши таклифи «Агробанк» акциядорлик тижорт банки томонидан амалиётга жорий этилган («Агробанк» акциядорлик тижорт банкининг 2021 йил 4 мартдаги 11-1-15/310-сон маълумотномаси). Ушбу таклиф «Агробанк» акциядорлик тижорат банкнинг «Кредит сиёсати» ва «Стратегик ривожлантириш сиёсати»ни ишлаб чиқишда инобатга олинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 7 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши мавзуси бўйича 13 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Диссертация ҳажми 133 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқотнинг усуллари ҳамда улар асосида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилиши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Банклар томонидан узок муддатли кредитлашнинг назарий асослари ва хориж тажрибаси» деб номланган бўлиб, унда тижорат банклари томонидан миқдорларни узок муддатли кредитлашнинг моҳияти ва меъёрий-ҳуқуқий асослари ҳамда узок муддатли кредитлашнинг илмий-назарий асослари ва банклар томонидан узок муддатли кредитлаш амалиётининг хориж тажрибаси тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар чиқарилган.

Узок муддатли кредитлар мамлакат иқтисодиётида алоҳида ўрин тутади, чунки улар иқтисодиётнинг реал секторига сармоя киритиш билан боғлиқ бўлиб, асосий фондларни модернизация қилишнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади ва натижада маҳсулот рақобат бардошлигини оширади. Бугунги кунда иқтисодиётнинг фаол ўсиш тенденциялари банк фаолиятида ҳам ўз аксини топмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг ЯИМ ўсишида тижорат банкларининг кредитлари жуда катта ўрин эгаллайди. «2020 йил 1 январь ҳолатига кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати 41,3 фоизни⁵» ташкил этганлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Банк қонунчилигига кўра, узок муддатли кредитлар ишлаб чиқариш объектлари ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектларни қуриш, таъмирлаш, техникавий қайта жиҳозлаш ҳаражатлари билан боғлиқ инвестиция мақсадлари, техника, технология ва асбоб ускуналар, асосий пода ва кўп йиллик дарахтларни шакллантириш учун берилади.

Тижорат банклари томонидан кредитлашнинг ўзига хос қоидалари борки, улар махсус тамойилларда ифода этилади. Булар:

- кредитнинг қайтувчанлиги;
- кредитнинг муддатлилиги;
- кредитнинг таъминланганлиги;
- кредитнинг мақсадлилиги;
- кредитнинг тўловлилиги;
- кредитнинг самарадорлиги;
- дифференциал ёндашув⁶.

Юқорида келтирилган тамойиллар кредитлаш учун асос ҳисобланади.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида тайёрланди (www.cbu.uz).

⁶ Abdullayev Yo., Qoraliyev T., Toshmurodov Sh., Abdullayeva S. Bank ishi. O'quv qo'llanma –T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2010 yil, 532 bet.

Илмий тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқиб биз кредитнинг самарадорлигига кўпроқ тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик. Кредитнинг самарадорлик тамойили бу нафақат кредит суммаси ва фоизининг банкка қайтариб тўлашини, шунингдек ундан кредитланган ёки молиялаштирилган соҳа, тармоқ, корхона қанча самарадорликка эришганини ифодалайди. Шу сабабли кредит ажратишдан ёки беришдан олдин шу кредитнинг самара бериш эҳтимолини ҳисоб-китоб қилиш зарур. Масалан, лойиҳага қўйиладиган маблағ самара берса, шундагина бу лойиҳага маблағ ажратиш мумкин бўлади.

Кредитнинг самарадорлиги (K_s) ишлаб чиқариш ва унинг реализация ҳажмига (R_h) бевосита боғлиқ бўлиб қуйидагича аниқланиши мумкин:

$$K_s = \frac{R_h}{K_h} \quad (17)$$

Бу ерда:

K_h – берилган кредитнинг ўртача ҳажми.

Бозор иқтисодиёти шароитида бериладиган кредитлар маълум бир лойиҳаларнинг бажарилишига йўналтирилган бўлади. Банклар лойиҳаларни кредитлашан олдин лойиҳани бажариш учун йўналтириладиган маблағларнинг самарадорлигини ҳисоблаб чиқишлари зарур. Агар биз бозор иқтисодиёти юқори ривожланган мамлакатларда кредитлаш амалиётига назар солсак, бу мамлакатларда корхона, ташкилотларга кредит беришдан олдин қўйиладиган маблағларнинг самарадорлигини ҳисоб-китоб қилиб чиқади. Агарда лойиҳага қўйиладиган маблағлар самара берадиган бўлсагина, шу лойиҳа учун маблағ ажратилади. Ҳар бир корхона ва ташкилот учун кредитдан фойдаланишда унинг самарадорлигига алоҳида эътибор бериш фойдадан холи эмас, чунки самарадорлик кредитнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Хорижий тажрибага асосан банкнинг самарадорлик коэффиценти банкнинг қанчалик даромадли эканлигини ҳисоблаш имконини бериши ҳамда банкнинг молиявий барқарорлиги тўғрисида тушунча бериши маълум бўлди. Самарадорлик коэффиценти - бу банк рентабеллигини кўрсатадиган ҳисоб-китобдир.

Самарадорлик коэффицентини ҳисоблаш учун банк харажатларини соф даромадларга тақсимлаш орқали аниқланади. Соф даромаднинг қиймати банкнинг операцион даромадидан кредитлар учун заҳира ажратиш йўли билан аниқланади. Банк иқтисодий жиҳатидан барқарор бўлса, уларга миқдорлар ишониши шунчалик хавфсиз бўлади.

$$БСК = \frac{\text{банк фоизли харажатлари}}{\text{Операцион даромад—кредитни йўқотиши бўйича заҳира}} \quad (28)$$

БСК - Банк самарадорлик коэффиценти.

⁷ Abdullayev Yo., Qoraliyev T., Toshmurodov Sh., Abdullayeva S. Bank ishi. O'quv qo'llanma –T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2010 yil, 532 bet.

⁸ Federal depozitlarni sug'urtalash korporatsiyasi. «2019 Minoritar Depozit Tashkilotlari: 4-Bo'lim: MDI moliyaviy faoliyati», 49-bet. Kirish 21 oktyabr 2020 yil (<https://uz.chalized.com/fdic>).

Кам самарадорлик коэффиценти бу банк ҳар бир олинган даромад олиш учун кам маблағ сарфлаётганлигини кўрсатади⁹. Назарий жиҳатдан самарадорликнинг оптимал нисбати 50 фоизни ташкил этади, бу қилинган харажатларнинг 1 бирлигига олинган даромади 2 бирлигини олиши мумкинлигини англатади. Бироқ, амалиётда банклар мунтазам равишда юқори даромад кўрсаткичларига эга бўлиб боради¹⁰.

Банкнинг даромадлар тўғрисидаги ҳисоботи асосида самарадорлик коэффиценти хисоблаш мумкин. Банклар тузилмаси ва бизнес моделидаги фарқлар уларнинг самарадорлик коэффицентларида жуда хилма-хилликни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, фақат онлайн режимида ишлайдиган банкларда операцион харажатлар пастроқ бўлади, чунки улар кўчмас мулк ёки реклама учун харажатлар қилмаслиги мумкин. Шунингдек, улар кўпроқ фоизли кредитларни қайта ишлашлари мумкин, бу эса катта даромад келтиради.

Иқтисодий шароит ўзгарганда самарадорлик коэффицентлари ҳам ўзгариб боради. Ҳаддан ташқари харажатларни қисқартириш банкнинг самарадорлик коэффиценти яхшилаши имконини бериши мумкин, аммо бу қисқартиришлар келажакдаги рентабеллик, мижозлар эҳтиёжини қондириш, қонунчилик талабларига мувофиқлиги ва бизнеснинг бошқа жиҳатларига таъсир қилиши мумкин.

Агар корхонада савдо ҳажми қанчалик катта бўлса ва кредит ресурсларининг айланиш даври қисқа бўлса, кредит қўйилмаларининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Банк томонидан берилган маблағлар хўжалик айланмасида, ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилинса ва кредит маблағлар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнини тезроқ босиб ўтса, улар келтирадиган самарадорлик шунчалик юқори бўлади. Банк кредити маблағлар доиравий айланишининг бирор босқичида ушланиб қоладиган бўлса, у ҳол кредитни тўлаш муддатининг кечиктирилишига олиб келади. Бу, албатта, кредитнинг самарадорлиги пасайганлигидан далолат бериши мумкин.

Тижорат банклари узоқ муддатли кредитларининг самарадорлигини ошириш йўллариининг назарий-амалий жиҳатлари хорижий қатор иқтисодчи олимлар томонидан айрим жиҳатлари ўрганилган. Жумладан, Германия давлати олимларидан Hüther Michael, Voigtländer Michael, Haas Heide, Deschermeier Philippлартомонидан «The importance of long-term financing by banks: Advantages and future challenges¹¹» мавзусида илмий тадқиқотлар олиб боришган бўлиб, тадқиқотчилар ўз илмий ишларида реал иқтисодиёт секторини узоқ муддатли кредитлашнинг назарияси ва амалиёти, замонавий иқтисодиётда узоқ муддатли кредитлашнинг қоидалари бўйича ўз фикр-

⁹ Federal depozitlarni sug'urtalash korporatsiyasi. «2019 Minoritar Depozit Tashkilotlari: 4-Bo'lim: MDI moliyaviy faoliyati», 49-bet. Kirish 21 oktyabr 2020 yil (<https://uz.chalized.com/fdic>).

¹⁰ www.thebalance.com/efficiency-ratio-calculate-how-profitable-your-bank-is-4172294

¹¹ Hüther, Michael; Voigtländer, Michael; Haas, Heide; Deschermeier, Philipp (2015) : The importance of long-term financing by banks: Advantages and future challenges, IW-Analysen, No. 102, ISBN 978-3-602-45566-9, Institut der deutschen Wirtschaft (IW), Köln, <http://nbn-resolving.de/urn:nbn:de:101:1-201503232995>

мулозаларини билдириб ўтишган. Уларнинг фикрига кўра, узок муддатли кредитлаш амалиётида тижорат банклари йирик фоиз устамаларини кўйиш орқали инфляцион рискни пасайтиришлари мумкин. Акс ҳолда тижорат ташкилоти ҳисобланган банкнинг моддий манфаатларига жиддий зарар етиши мумкинлиги таҳлил этилган. Олимларининг фикрлари бир жихатдан тўғри яъни, агар мамлакатда инфляция сурати ўсиб бориш жараёнида банклар томонидан берилган кредитлар учун тўланадиган фоизлар паст даражада сақланиб қолса бу банкнинг келгусида мижозлар олдидаги мажбуриятини бажара олиш имкониятини пасайтириб юбориши мумкин.

Шунингдек, Россиялик иқтисодчи И.И.Некрасовнинг фикрича «тижорат банклари узок муддатли кредитлари мустақил иқтисодий категория бўлиб, у иқтисодий жараёнларга бевосита таъсир этиб ривожланишни таъминловчи асосий омилдир. Инвестицион жараёни амалга ошириш, ташкилотнинг асосий капиталини кўпайтириш, унинг самарадорлигини баҳолаш учун узок муддатли кредитлаш даврига тўғри келадиган вақт даври талаб қилинади¹²» деб таърифлайди. Муаллифнинг сўзларига кўра, узок муддатли кредит бериш корхоналар учун инвестицияни ўрнини босади деб таъкидлайди. Олимнинг фикри ўринли бўлиб, иқтисодий ривожланишда узок муддатли кредитлар хўжалик юритувчи субъектларни асосий капиталини тўлдириш ва техник янгиланишда жуда зарур компонентдир.

Яна бир олим А.В.Иваньчевнинг фикрига кўра «узок муддатли кредитлаш бу - узок муддатли ва арзон кредитлар беришга имкон берадиган муддатга ҳамда шу қийматда кредит ресурсларини жалб қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратиладиган фаолиятдир. Шунингдек, тўлов оқимлари моделларини, уни тўлашдаги чекловларни ва имтиёзли кредитлаш шароитида қарз олувчининг тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда узок муддатли кредит учун параметрларни танлаш бўйича мақбул қарорларни қабул қилиш механизмларини ишлаб чиқишда ётади»¹³ деб таърифлайди. Ҳамда қарзлар бўйича тўловлар миқдорига тенг бўлган доимий равишда давлат томонидан тўланадиган субсидияларни ҳисобга олган ҳолда қарзларни амортизация қилишнинг динамик тартибини шакллантириш бўйича услубий ёндашув ишлаб чиққан. Олимнинг фикри ўринлидир, лекин ушбу вазифани бажариш учун банклар арзон ресурс маблағларини топишлари керак бўлади.

Тижорат банклари узок муддатли кредитларининг самарадорлигини оширишнинг айрим жихатлари маҳаллий олимларимиз томонидан ҳам ўрганилган бўлиб, хусусан: таниқли иқтисодчи олима Ш.Абдуллаеванинг фикрича «узок муддатли кредитлар бир йилдан ортиқ муддатга берилиб, асосан, асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлиқ

¹² Некрасов И.И. «Организация инвестиционного кредитования в коммерческом банке» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва, ул.Б.Семеновская 11, стр.12.

¹³ Иваньчев А.В. «Формирование механизма выбора параметров долгосрочного кредита как необходимого фактора повышения эффективности сельскохозяйственного предприятия» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Самара, Московское шоссе, 2007 г. 34 ст, СГЛУ.

соҳаларни таъминлашда ишлатилади. Шунингдек, узоқ муддатли кредитлар капитал қўйилмаларини, лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий манбаи сифатида давлатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этади¹⁴» деб таърифлайди.

Иқтисодчи олим Ҳ.Отамуродовнинг фикрича «тижорат банклари томонидан берилган кредитларни самарадорлигини, ҳамда кредит портфели сифатини оширишда берилган кредитларни бир неча босқичларга бўлган ҳолда қайтариш керак¹⁵» деган таърифни илгари суради. Билдирилган фикр ўринлидир шу билан бирга тижорат банкларининг кредит портфелидаги барча кредитларга тадбиқ этиш етарлича самара бермайди.

Иқтисодчи олим Ф.Холмаматов томонидан «Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш¹⁶» мавзусида илмий тадқиқотлар олиб борган бўлиб, тадқиқотчи ўз илмий ишларида реал иқтисодиёт секторини кредитлашнинг назарияси ва амалиёти, кредитлашнинг қоидалари бўйича ўз фикр-мулозасини билдириб ўтган. Унинг фикрига кўра, тижорат банкида битта соҳа ёки тармоққа берилган кредит лимитини ўрнатиш асосида кредит портфелини диверсификация қилиш керак деб келтиради. Келтирилган фикр ўринлидир, лекин шу билан бирга ҳозирги кунда давлатнинг махсус дастурлари асосида маълум соҳани ривожлантириш мақсадида берилаётган кредитларга лимит ўрнатиш нисбатан нотўғри бўлади деб ўйлаймиз. Чунки соҳа ривожини мамлакатда ишлаб чиқаришнинг кенгайтиши ва товарларнинг нархини арзонлаштиришга хизмат қилади.

Амалга оширилган тадқиқотларимиз асосида биз узоқ муддатли кредитлаш тушунчасига қуйидагича таъриф беришни ўринли деб ҳисоблаймиз, узоқ муддатли кредит – бу банк ва мижоз ўртасида тузилган узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси бўлиб, унда банк ўз ва жалб этилган ресурсларидан фойдаланган ҳолда бир йилдан ортиқ муддатга берилган кредитдир.

Диссертациянинг ишининг «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелида узоқ муддатли кредитлар ва уларнинг самарадорлиги таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфелида узоқ муддатли кредитларнинг таҳлили ҳамда тижорат банклари томонидан узоқ муддатли кредитлашда таъминотига қўйиладиган талаблар ва муаммоли кредитлар шунингдек, тижорат банклари даромадларини оширишда узоқ муддатли кредитларнинг самарадорлиги эконометрик таҳлил этилган.

Бугунги кунда республикамиз тижорат банклари олдида мижозлар билан узоқ муддатли муносабатларни йўлга қўйиш энг долзарб вазифадир.

¹⁴ Abdullaeva SH.Z. Pul, kredit va banklar. - T.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007 yil, 348 bet.

¹⁵ Отамуродов Ҳ.Ҳ. «Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш» иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2019.-32 б.,

¹⁶ Холмаматов Ф.К. «Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш» иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2019.-32 б.,

Бу вазифани бажариш банкларга пул маблағларини жалб этиб, шу тариқа пул оқимларини кўпайтиришнигина эмас, балки бозордаги ўз аҳволи учун ташвишланмаслик имконини ҳам беради, чунки бундай ҳолларда улар ҳар доим барқарор миқозларга эга бўладилар. Узоқ муддатли кредитлаш узоқ муддатли ҳамкорлик қилиш режаси демакдир.

Ўзбекистондаги кўпчилик тижорат банклари асосан қисқа муддатларга жалб қилинган маблағлар билан узоқ муддатли активларни молиялаштириб келмоқда. Бу иқтисодиётни ривожлантириш учун лойиҳаларни молиялаштиришга эҳтиёж катталиги лойиҳалар муддатларига мос узоқ муддатли маблағлар тақчиллиги мавжудлиги билан изоҳланади. Тижорат банклари томонидан берилаётган кредитлар миқоз билан банк ўртасида тузилган шартнома асосида фоизлар белгиланиб ундирилади. Шунингдек, миқозларга узоқ муддатга бериладиган кредит қўйилмалари учун ўрнатиладиган фоиз тўловларини уларнинг манбаларига қилинган харажатлар асосида дефферинциал ставка асосида белгилаш миқоз учун катта қулайликлар яратади.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада берилаётган кредитларнинг фоиз ставкалари динамикаси¹⁷

№	Берилган муддат	01.01. 2016 й.	01.01. 2017 й.	01.01. 2018 й.	01.01. 2019 й.	01.01. 2020 й.	01.01. 2021 й.
	Барча кредитлар бўйича ўртача	13,6	13,9	20,3	22,6	25,8	18,8
	Узоқ муддатли кредитлар	13,5	14,3	20,4	22,6	25,8	19,1
1	- 1 йилдан 2 йилгача	14,2	14,5	20,5	22,0	25,2	19,6
2	- 2 йилдан 3 йилгача	13,9	14,8	21,2	24,0	27,8	20,1
3	- 3 йилдан 4 йилгача	14,8	15,2	22,0	25,1	24,3	19,4
4	- 4 йилдан 5 йилгача	12,8	11,8	18,1	19,7	21,6	19,0
5	- 5 йилдан 10 йилгача	10,7	12,8	17,4	21,5	19,5	18,3
6	- 10 йилдан ортиқ	11,6	12,9	17,2	18,3	17,9	17,2

Юқоридаги 1-жадвал маълумотларида бир йилдан икки йил муддатгача берилган кредитларнинг фоизлари 2016 йил 1 январ ҳолатига 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра 19,6 фоизни ташкил этиб, сўнги олти йил ичида 5,4 бирликка ошганлигини кўришимиз мумкин. Буни яна шундай изоҳлаш мумкинки, узоқ муддатга жалб қилинаётган ресурсларнинг камлиги ва қимматлигидир. Ушбу муаммони ҳал қилиш мақсадида хориждан арзон ресурс кредит линияларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Жалб қилинган хорижий кредит линиялари ҳисобидан, миқозларга узоқ муддатга бериладиган кредит қўйилмалари нисбатан арзон бўлган тақдирда уларнинг манбаларига қилинган харажатлар асосида дефферинциал ставка белгилаш етарлича самара бериши маълум бўлди.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида тайёрланди (<http://www.cbu.uz/en/statistics/e-gdds/data/111576/>).

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича улуши¹⁸

№	Кўрсаткичлар	01.01.2018 й.		01.01.2019 й.		01.01.2020 й.		01.01.2021 й.	
		Млрд. сўм	Улуши (%)	Млрд. сўм	Улуши (%)	Млрд. сўм	Улуши (%)	Млрд. сўм	Улуши (%)
Жами кредитлар		110 572	100	167391	100	211581	100	275 280,6	100
1	Саноат	45 223	40,9	66 690	39,8	75 636	35,7	102 162,4	37,1
2	Қишлоқ хўжалиги	4 742	4,3	9 422	5,6	17 205	8,1	28 080,5	10,2
3	Курилиш соҳаси	3 424	3,1	5 880	3,5	5 930	2,8	7 380,3	2,7
4	Савдо ва умумий хизмат	5 246	4,7	10 786	6,4	14 480	6,8	19 916,2	7,2
5	Транспорт ва коммуникация	16 205	14,7	20 913	12,5	23 516	11,1	26 626,0	9,7
6	Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	472	0,4	2 746	1,6	3 302	1,6	3 962,1	1,4
7	Уй-жой коммунал хизмати	996	0,9	1 821	1,1	2 512	1,2	3 759,0	1,4
8	Жисмоний шахслар	13 600	12,3	24 427	14,6	39 934	18,9	54 887,7	19,9
9	Бошқа соҳалар	20 665	18,7	24 705	14,8	29 065	13,7	28 506,4	10,4


2-жадвал маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики тижорат банклари кредит қўйилмалари ичида 2021 йил 1 январь ҳолатига кўраэнг катта улушни саноат соҳасига берилган кредитлар эгаллаб жами берилган кредитларнинг 37,1 фоизини ёки 102162,4 млрд.сўмни ташкил этмоқда. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки республика банклари томонидан саноат соҳасини кредитлашга кўпроқ эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради. Шунингдек, қишлоқ хўжалигини кредитлаш 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига жами кредитларнинг 4,3 фоизини ёки 4742 млрд.сўмни ташкил этган бўлса 2021 йил 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 6 баробар ёки 23338,5 млрд.сўмга ўсганлигини кўришимиз мумкин. Шу билан бирга жисмоний шахсларни кредитлаш 2018 йил 1 январь ҳолатига 13600 млрд.сўмни ёки жами ажратилган кредитларнинг 12,3 фоизини ташкил этган бўлса, 2021 йил 1 январь ҳолатига 54887,7 млрд.сўмни ёки жами кредитларнинг 19,9 фоизини ташкил этмоқда. Агар ушбу давр оралиғини солиштирма таҳлиliga назар солсак, ушбу кўрсаткич 4,0 бароварга ошиб 41287,7 млрд сўмга кўпайган. Сўнги йилларда аҳолига қулай бўлган кредитларни ажратиш жараёни жадаллик билан ривожланиб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Ҳамда мижозларга берилаётган узок муддатли банк кредитларини уларнинг бизнес циклига тенг даврийликни эътиборга олган ҳолда кредитлаш биринчидан кредитнинг ўз вақтида қайтиши таъминланса, иккинчидан кредитдан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки статистик маълумотлари асосида тайёрланди (www.cbu.uz).

